

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

### АВЕСТОДА ИЛК ДАВЛАТЧИЛИК АТАМАЛАРИ: НМАНА, ВИС, ЗАНТУ, ДАХЬЮ ҲАҚИДА ТАСНИФ

**Қўшоқов Сафарали Юсупович,**

Термиз давлат университети ўқитувчиси

**Меликулова Малика Абдухалиловна,**

Ислом Каримов номидаги ТДТУ Термиз филиали ўқитувчиси

**For citation:** SafaraliY.Kushokov, Malika A.Melikulova. The terms of early statehood in Avesto: nmana, vis, zantu , daxyu. 2019, vol. 1, issue 13, pp. 133-145.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-13-15>

*Келиб тушган сана 5 август, 2019  
Эълон қилинган сана 5 октябрь, 2019*

#### **АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада Ўрта Осиёда илк давлатларнинг пайдо бўлиш жараёнларида Зардуштийликда номи тилга олинган нмана, вис, занту, дахьютушунчалари таҳлил қилинган. Ўрта Осиё ҳудудида олиб борилган археологик изланишлар натижасида аниқланган бронза даври ёдгорликлари “Авесто” жамиятнинг тузилиши ва унинг таркиби ҳақида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** Илк давлатчилик, Ўрта Осиё, Зардуштийлик, қадимги дин, “Авесто”, нмана, вис, занту, дахью, бронза

#### **КЛАССИФИКАЦИЯ АВЕСТИЙСКИЙ ТЕРМИНОВ РАННЕЙ ГОСУДАРСТВЕННОСТИ: НМАНА, ВИС, ЗАНТУ, ДАХЬЮ**

**Кушаков Сафарали Юсупович,**

Преподаватель Термезского Государственного Университета

**Меликулова Малика Абдухалиловна,**

Преподаватель Термезского филиала ТГТУ имени И.А.Каримова

## **АННОТАЦИЯ**

В этой статье проведен анализ роли религии Зороастризма, нмана, вис, занту, и дахю, которые связаны с эпохой возникновения ранних государств на зарождения первых государств территории Средней Азии. В результате археологических исследований найденнепамятники эпохи бронзы Среднеазиатского региона дают информацию о структуре а состава авестийской общины.

**Ключевые слова:** ранее государственность, Зороастризм, Средняя Азия, древняя религия, Авесто , нмана, вис, занту, дахью, бронза.

---

## **CLASSIFICATION THE TERMS OF EARLY STATEHOOD IN AVESTO:NMANA, VIS, ZANTU, DAXYU**

**Safarali Y. Kushokov,**

Teacher of Termez State University

**Malika A. Melikulova,**

Teacher of history Named Islom Karimov TDTU Termiz subsidiary

## **ANNOTATION**

The article analyzes the role of Zaratustra in the development process of early countries in Central Asia. Determined in result of archeological searching which were carried out in Central Asia the memories of the period of Bronze were conceived about society structure and its compositions of Avesto.

**Key words:** early statehood, Central Asia, Zaratushra, Ancient Faith, Avesto, Nmana, Vis, Zantu, Daxyu, Bronze.

---

Қадимги Бақтрия аҳолиси 1 минг йилликнинг биринчи ярмидаги ижтимоий тузилиши ва таркиби археологик материалларда ўз ифодасини топган. Шунинг учун “Авесто”нинг яратилиш даври ва тарқалиш географиясини ўрганишда “Авесто” ижтимоий таркибини археологик материалларга эҳтиёт билан тадбиқ этишни талаб қилади. Ўрта Осиё ҳудудида олиб борилган археологик изланишлар натижасида аниқланган бронза даври ёдгорликлари “Авесто” жамиятнинг тузилиши ва унинг таркиби ҳақида фикр юритишга кенг имкониятлар очди. [Ртвеладзе Э.В. Формирование городов Бактрии-Тохаристана // Городская среда и культура Бактрии-Тохаристана и Согда (IV в до н.э. – VII в. н.э.). – Т, 1986] И.М. Дьяконов, В.А.Лившиц, С.Н.Соколов, В.М.Массонларнинг фикрича Авестонинг қадимги қисмларида жамият ҳақидаги фикрлар Аҳмонийларгача бўлган давр, яъни милoddан аввалги VIII – VII асрларга тўғри келади. Қадимги Бақтрия ва

Марғиёнада олиб борилган бронза даврига оид археологик тадқиқотлар “Авесто” жамияти муносабатлари VIII – VII асрлардан ҳам олдинроқ шакллана бошлаганлигини кўрсатмоқда. Э.В. Ртвеладзе бронза даври жамият шаклини “бронза даврининг урбанизациялашган қишлоқлари” деса, Б.А. Литвинский “протошаҳар” деб атайди. [Авесто/Асқар Маҳкам таржимаси ...–Б.8-34.] Гатларда Заратуштранинг бешлик кўшиқлари ва олий ҳакам худо Ахурамазда ва унинг маъбудалари алқови кенг талқин этилади. Табиийки, гатларда кўтарилган ғоялар бронза даври жамияти муносабатларини Қадимги Бақтрия ва Марғиёнада давлат тузилмалари шакллангунга қадар бўлган даврни ёритган десак хато бўлмайди. Чунки, Қадимги Бақтрия ва Марғиёна бронза даври аҳолиси зоолатрик диний қарашларидаги жониворлар тасвири, гатларда мадҳ этилган худо ва маъбудаларнинг диний-руҳий оламдан моддийликка кўчган кўриниши бўлиб, “Авесто жамияти”-нинг илк белгилари шакллана бошлаганлигидан далолат беради. Бронза даври Қадимги Бақтрия ва Марғиёна аҳолисининг ижтимоий тузилиши “Авесто”да илгари сурилган жамият бўлиниш тартибларини ўзида мужассам этсада, жамият тузилиши ва давлатчилик масалаларини кўпчилик олимлар I минг йилликнинг биринчи ярмида шаклланган деб ҳисоблашади. Аммо, Бронза даври Сополли, Дашли, Гонур, Яз, Тўғолоқ ва Саразмда ўтказилган археологик тадқиқотлар “Авесто” жамиятининг сўнгги энеолит ва бронза давридан бошлаб шакллана бошлаганлигини кўрсатмоқда. Дарҳақиқат, Авестонинг энг қадимги қисми гатларда бронза даври жамиятидаги ижтимоий муносабатлар акс этганлигини археологик ёдгорликлар тасдиқламоқда. Масалан, Авесто матнларида жамият аъзолари алоҳида уй эгаси шахслар, катта чорва эгалари, жамиятнинг бўлақларини идора қилувчи раҳномалар, катта чорвага эга ҳақида гап боради. [“Авесто” ва унинг инсоният тараққиётидаги тутган ўрни. – Тошкент-Урганч: Фан, 2001. – Б. 9-10.]

“Авесто” жамиятининг ижтимоий таркиби ҳақидаги маълумотларга асосланиб бугунги кунда тадқиқотчилар бу маълумотларнинг археологик объектларда қанчалар ўз ифодасини топганлиги ҳақида фикрмулоҳаза билдирганлар. Масалан, Бугунги кунга қадар “Авесто” жамияти тузилиши А. Аскарлов, Б.Г. Гафуров, А.С. Сагдуллаев, И.Н. Пьянков, Ш. Шайдуллаев ишларида акс этиб, улар “Авесто жамияти”ни тўрт қатламга, яъни катта патриархал оила – “нмана”, уруғ – “вис”, қабила – “занту”, мамлакат – “дахью”, энг олий раҳномо – “заратуштрата”га бўлганлар ва бу ижтимоий тузилиш археологик материалларда бевосита кузатилади. “Авесто” жамияти тўрт тоифага – кохинлар, ҳарбий саркардалар, чорвадорлар ва ҳунармандларга

бўлинган. Ижтимоий бошқарув нмана, вис, занту, дахью, дахьюпати ва дахьюсастар қўлида бўлган. Жамият бош—қарувида ханжамана асо-сий роль ўйнаб, олий судя — заратуштратама бўлган. У чиқарган ҳукм мутлоқ бўлиб, рад этишга ҳеч кимнинг ҳаққи бўлмаган. [Массон В.М. История и археология Средней Азии. — М.: Наука, 1968.— С.94-95. ]

“Авесто” ғояларидан келиб чиқиб, жамиятнинг энг кичик бўлаги — оила — “нмана”, оила бошлиғи — “нманапати”дир. Оила аъзолари таркибига “вира”, “вайса” ва “парияйтар”лар ҳам кирган, аммо улар патриархал оиланинг кичик аъзолари ҳисобланган. Авестода “қул” атамасининг эквивалентига тўғри келувчи сўз учрамайди, лекин “вира” ҳарбий асир тушган оиланинг энг кичик аъзоси сифатида қул вази-фасини бажарган. “Вайса” ва “парияйтар” ҳам уруғга қарашли одам-лар бўлиб, оиланинг ёки уруғнинг энг кичик аъзолари ҳисобланган. Б.А.Лившицнинг фикрига кўра, “парияйтар” тушунчаси Авестода бир марта учрайди ва у уруғнинг энг кичик аъзоси ҳисобланган [Лившиц В.А. Общественно-политический строй Средней Азии / История таджикского народа. — М., 1963. Т. 1. — С. 143-146..]

Зардуштийлик динининг шаклланиши жарёнида оиладан катта, лекин уруғдан кичик бўлган уюшма — “нафа” вужудга келган. Одатда “нафа” 100 та тенг ҳуқуқли эркаклардан ташкил топган бўлиб, жа-моанинг фаол мулк эгалари, таянчи бўлган. А.Г. Периханян бу уюш-маларни агнатик гуруҳлар деб номлаб, Авестода келтирилган парча-ларга кўра, улар Заратуштрани дастлаб жамоадан қувилишида муҳим роль ўйнаган. “Авесто” жамиятининг муҳим бир бўлаги ҳисобланган “нмана”дан юқори ижтимоий таркиб бу “Вис” бўлиб, у бир неча “агнат”лар ёки патриархал оилалар — “нмана”лардан ташкил топган. “Авесто”нинг нмана термини бир вақтнинг ўзида уй маъносини ҳам англатиб, патриархал оила бошлиғи — нманапати деб аталган. Сопол-литепақалъа-қўрғонининг ҳар бир квартали ана шу нмананинг ўзи-дир. Вис — бу фақат қабила ёки қавмни англатмай, балки бутун қишлоқ жамоасини ҳам англатган. Демак, Сополлитепа қишлоғи бу Висдир, Унинг сардори, яъни уруғ оқсоқоли — “виспати” деб номланган. Уруғ-нинг муҳим масалалари, уруғнинг ички муаммолари, ишлаб чиқа-риш билан боғлиқ, диний культлар, ҳуқуқ-тартибот ва бошқа уруғ-лар билан бўладиган муносабатлар уруғнинг олий йиғини — “вис”да ҳал қилинган. Жамоа аъзолари бир неча хонали турар жойларда исти-қомат қилиб, уларнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳунармандчи-лик объектлари манзилгоҳнинг ички қисмида жойлашган. [Периха-нян А.Г. Агнатические группы в древнем Иране ... — С. 34-38; История таджикского народа. С древнейших времен до V века н.э. / Под ред. Б.Г.

Гафурова и Б.А. Литвинского. – М., 1963. Т. 1. – С. 143-146.]

Авесто жамиятининг “вис”дан юқори поғонаси “занту” бўлиб, у уруғлардан ташкил топган қабилани эслатади. Авестода қабила йиғини – “ханжаман” шаклида берилиб, “Авесто” жамиятида мамлакат – “дахью”, мамлакат ҳукмдори – “дахьюсасти” шаклида келтирилади. Қадимги Бақтрия жамиятининг илк босқичи Сополлитепа ёдгорлиги “Авесто”нинг “вис” кўринишини ифодаласада, лекин зардуштийлик дини ҳали расман дин сифатида ўз ўрнини топмаган. Шу боисдан Сополлитепада зардуштийликка оид тегишли саждагоҳ ёки патриархал оилага тегишли ибодатхона қолдиқлари аниқланмаган. Аммо Сополлитепада зардуштийликнинг баъзи бир кўз илғамас излари бор, яъни кўп хонали турар-жойларнинг бирида оилавий оташкадалар чуқурчаси сақланган бўлиб, унинг тагида оппоқ кул қолдиғи учрайди. Бу эса Сополлитепаликлар оташпарастлар эканлигидан далолат беради. Сополлитепа жамиятининг “Авесто” ижтимоий структурасига мос келадиган жиҳатлари, унинг уй-жой қурилишида акс этиб, яъни Сополлитепа қалъа-қўрғони Варни эслатади. Вар эса Марказий Осиё шаҳарсозлик маданиятида протошаҳарни англатиб, “Авесто” жамиятининг Заратуштра яшаган даврга қадар бўлган даври, яъни протозардуштийлик даври ҳисобланади. Сополлитепа мисолида афсонавий шоҳ Йима қурган дастлабки қалъа-қўрғон – вара моддий маданиятда ўз аксини топди. Авестода келтирилишича, Ахурамазда Заратуштрага тўрт томони бир от чопиқ узунликдаги деворлардан иборат, муқаддас оловни, итларни, қушларни, оилаларни ва чорвани сақловчи қалъа-қўрғон – Варани қуришни буюрди. Қадимги Бақтрия ва Марғиёнаннинг бронза даври ёдгорликлари Сополлитепа, Жарқўтон, Дашли, Гонур, Тўғолоқ бевосита Варани эслатиб турибди. Ушбу ёдгорликларнинг барчаси мураккаб мудофаа иншоотлари билан ўраб олинган, илк шаҳар элементларининг барча кўринишларини ўзида акс эттирган “Авесто” ғояларини ифодалайди. [Стеблин-Каменский И. Авеста: Избранные гимны: Из Видевдата. – М., 1993. – С. 180.]

Дарҳақиқат, Сополлитепа қалъа-қўрғони билан “Авесто” Вари ўрта-сида ички қурилиш ва режалаштирилишда умумий ўхшашликлар бор. Авесто Вари одатда уруғ жамоалари, аниқроғи бир неча катта патриархал оилалар (нманалар) қароргоҳи бўлган. Шунга мувофиқ, “Авесто”нинг қадимги ижтимоий таркиби ва “Авесто” жамиятининг иқтисодий асоси Сополлитепа 8 та катта патриархал оилалар – нманалардан ташкил топган Виснинг қароргоҳидир, яъни катта патриархал уруғлар уюшмасининг моддий маданиятда сақланган аксидир. Сопол-

литепеда патриархал уруғчилик анъаналари тўла сақланган бўлиб, унинг патриархал катта оилалари тепасида нманapati, уларни бирлаштирган қишлоқ жамоаси тепасида эса уруғ оқсоқоли Виспати турган. Демак, квартал йўлбошчиси катта оиланинг раҳбари бўлган бўлса, бутун Сополлитепа жамоалари сардори виспати назоратида бўлган.

“Авесто” жамияти ижтимоий таркиби мулкый табақаланиш нуқтаи назаридан қараганда Сополлитепа аҳолисининг ижтимоий таркибидан фарқ қилади. Чунки, “Авесто”да тўғридан-тўғри жамиятнинг ижтимоий таркиби ҳақида гапирилиб, бойлик чорванинг кўплиги билан изоҳланади. Таниқли авестошунос В.А. Лившиц, Авестонинг қадимги қисмларида “Авесто” жамиятининг асосий бойлиги сифатида чорвани кўрсатиб, Заратуштрага унинг издошлари совға сифатида туялар ҳадя қилишганини, таъкидлайди. Авесто матнларини лингвистика таҳлилига кўра, саҳрои оташпарастрлар маъбудаларидан кенг яйловларга эга бўлишни, яйловларга осмондан ёмғир юбришни, кўплаб отлар ва хўкизлар ато этишни сўрайдилар. Маъбудаларга атаб отлар, новвос ва кўйларни қурбонлик қиладилар. Бироқ, Сополлитепа аҳолиси ўтроқ деҳқончилик жамоаси бўлганлигидан уларнинг устидан чорвадор жамоалар каби бошлиқ турмаган. Шунинг учун ҳам, Сополлитепа аҳолиси ижтимоий таркибини ўрганиш чоғида аҳолисининг у ёки бу табақага мансублиги ҳақида материаллар учрамайди. [Лившиц В.А. Общественно-политический строй Средней Азии ... — С. 143-146. ]

Лекин, Сополли маданиятининг кейинги даврларида, жумладан Жарқўтон босқичидан оила жамоаларида иқтисодий-хўжалик тармоқларининг ривожланиши билан мулкый табақаланиш жараёни бошланади. Авесто ва Ригведа ғоялари бир даврда, яъни милoddан аввалги 1500-1200 йиллардан шакллана бошлайди. Ҳиндистон ҳудудларида ҳиндуийликнинг муқаддас китоби Веда таълимотининг энг қадимги қисмини ташкил этувчи Ригведа, Яжурведа, Сомаведа таълимотига асос солиниши муносабати билан уларнинг дафн маросимига “сати” одати ҳам кириб боради. [Содиқ аёл маъносини англаган, оловда куйдириш одати. Қаранг: Снесарев А.Е. Этнографическая Индия. — М.: Наука, 1981. — С. 23-24. ]

Қадимги Бақтрия ижтимоий таркиби ва тузилиши Авесто ва Ригведада келтирилган ғояларни ифодалаб, Қадимги Ҳиндистонда учта асосий ижтимоий табақа: қоҳинлар, жангчилар, деҳқонлар бўлган. “Сати” одати юқори табақа вакиллари учун мажбурий бўлган. Худди шундай жамиятнинг ижтимоий таркиби Авестода ҳам ўз аксини топган, яъни авесто жамиятининг аъзолари ҳам турли табақалардан: ко-

ҳинлар, жангчилар, деҳқонлар ва чорвадорлардан иборат бўлган. Жарқўтон некрополида эса кремация ҳолатибаъзи бир қабрларда кўзга ташланади. Бу ерда яна бир жамоа ҳунармандлар ижтимоий ҳаётда муҳим ўрин тутганлиги кузатилади. Патриархал оилаларда оиланинг кичик аъзолари сифатида сиёсий ҳуқуқи йўқ табақа — “қуллар” пайдо бўла бошлайди. “Қулчилик” патриархал оилавий характерга эга бўлиб, “қуллар” оиланинг кичик аъзоси сифатида оила юмушларини бажарган. Бронза даври жамияти таркиби Авестода илгари сурилаётган ижтимоий бўлинишни акс эттирсада, “Авесто” матнлари шакланган давр ва бронза даври Қадимги Бақтрия ёдгорликлари орасида анчагина узилиш мавжуд. Шунга қарамасдан, авесто ғояларининг дастлабки асослари айнан шу маданиятлар асосидан келиб чиққан бўлиши тарихий ҳақиқатга тўғри келади. Аҳолининг ижтимоий таркиби авестодаги ғояларга кўра, чорва билан белгиланганлиги сабабли, бундай ҳолат ўтроқ деҳқончилик маданияти материалларида кузатилмайди. Фақатгина баъзи бир қабрлардагина бронза даври жамиятида жамоанинг нуфузли кишилари, диний-дунёвий раҳномалар мавжуд эканлигини кўрсатувчи баъзи бир ашёвий-далиллар учрайди холос. Патриархал оилалар манзилгоҳнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим рол ўйнаб, нафақат Ўрта Осиё, балки қадимги Шарқ давлатчилиги тарихида ҳам муҳим ўрин тутган. Сополлитепа, Дашли ёдгорликларидаги оила жамоалари алоҳида уруғга ажратилган кварталларда истиқомат қилиб, бу жамият таркиби Сополлитепа даврида иқтисодий жиҳатдан бир хил ижтимоий табақалардан ташкил топган. Уларнинг асосий машғулоти деҳқончилик, турли тармоқли ҳунармандчилик ва хонаки чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. А.С. Сагдуллаевнинг фикрича Вис таркибига 15 тадан кам бўлмаган оилалар кирган. Лекин, Қадимги Шарқ цивилизацияга хос бўлган тараққиётда, жанубий Ўзбекистон цивилизациясининг шаклланишига асос бўлган дастлабки зардуштийлик динига асосланган жамият муносабатлари айнан Сополлитепадан бошланади, десак хато қилмаймиз. Сополлитепа уруғ жамоаси Висни ташкил этиб, у кейинги ижтимоий-иқтисодий тараққиётда янги типдаги жамоани, яъни қадимги Шарқ цивилизациясининг янги ўчоғида протошаҳардан илк шаҳар элементларининг пайдо бўлишига олиб келди. Бу жараёнлар Сополли маданиятининг навбатдаги босқичи Жарқўтонда юз берди. Шунингдек Қадимги Бақтриянинг милоддан аввалги XX-X асрлардаги жамият муносабатларига асос солинди. Авесто жамиятининг ижтимоий таркиби — нмана, вис, занту, дахьюларга ўхшаш қадимги жамиятлар ижтимоий таркиби бошқа халқларда ҳам учрайди. Маса-

лан, Нмана Геродот асарларида келтирилган “oikia” – катта патриархал оилага тўғри келади, Агар Сополлитепа протошаҳар бўлса, хронологик жиҳатдан ундан кейин таркиб топган Жарқўтон маскани Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги илк шаҳардир. Унинг 100 гектардан кам бўлмаган ҳудудий доирасида ўнлаб қалъа-қўрғонлар, ибодатхона, ҳунармандчилик комплекслари ва турар-жой массивлари қад кўтарган. Ана шу қалъа-қўрғонлар ҳаробаларининг ҳар бири уруғ жамоаларининг манзиллари бўлиб, уларнинг ҳар бири айнан нманалардан ташкил топган вислардир. [Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. ... – С. 119.] Шунингдек, “вис”лар биргаликда “Авесто”даги зантуни эслатади. Авестонинг қадимги қисмида акс этган давлатчилик атамасининг яна бир кўриниши – “занту” бўлиб, у қабилавий уюшмани англатади. Қабила уюшмаси бир неча висларнинг уюшмаси бўлиб, бир неча уруғ жамоалари устидан назорат қилиб турувчи бошқарув органи ҳисобланган. Жарқўтон ҳудудида жойлашган арк ва шаҳар ибодатхонаси ушбу илк шаҳар-давлатнинг бошқарув органи бўлиб, бошқарув тизимида диний раҳномаларнинг роли катта бўлган. Қўшничилик жамоаси зантуни бошқаришда диний-мафкуравий жиҳатдан Жарқўтон шаҳар ибодатхонаси муҳим роль ўйнаган. Ҳар бир уруғга юқори обрўга эга, ўз ишининг устаси бўлган, уруғда юқори мавқени эгаллаган кишилар раҳномолик қилган. Ҳар бир “зантупати” ўз қабила уюшмасида хўжалик ва ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этган. Қабилавий жамоа бошқаруви жамоа ишлаб чиқаришида, иқтисодий соҳани мустаҳкамлашда ва бошқарувда асосий роль ўйнаган. Қадимги Бақтрия ҳудудларидаги аҳолининг қабилавий уюшмалари ўзига хос тарзда шакл-ланиб, қабила алоҳида уруғ жамоалари “вис”лардан, “вис”лар эса 5 та–дан 15 тагача оилалардан иборат бўлган. Ҳар бир қабила жамоалари алоҳида йирик марказий қароргоҳдан иборат турар жойларга эга бўлган. Улар Жарқўтон, Гонур, Дашли-3, Тўғолоқ сингари мудофаа деворлари билан мустаҳкамланган марказий қалъа-қўрғонда истиқомат қилганлар. Уларнинг ҳудудий чегаралари, яъни шаҳар-давлатларнинг чегараси дарёнинг қуйи ҳавзаларида ташкил топган оазислар, улар ҳудудидан ўтган суғориш иншоотлари – каналлар ва ариқлар орқали белгиланган. [Шайдуллаев Ш. “Авесто” ва моддий маданият ... – Б. 5-6.]

“Авесто” даври жамоаси уч қисмдан: – “ратайштар”, “атриван” ва “вастрьо-фшуйант”дан иборат бўлган. И.Н. Пьянковнинг фикрига кўра, “ратайштар”лар ва “састарлар” – зодогон табақа ва ҳарбийлар аркларда, “атриван”лар – қарам деҳқонлар арксиз қўрғонларда, “вастр-



рьо-фшуйант”лар — озод деҳқонлар эса арксиз қишлоқларда истиқомат қилганлар. Демак, жамиятининг юқори табақа вакиллари “састарлар”, “ратайштар”лар, “азат”лар Жарқўтон, Гонур, Тўғолоқ, Дашлининг мустаҳкам қалъа-қўрғонли марказий қисмида, “вайса”лар, “вира”лар, “парияйтар”лар, шаҳристон қисмидаги турар-жойларда, “вастрьо-фшуйант”лар эса арки аъло атрофидаги кварталларда истиқомат қилганлар. Археологик тадқиқотлар натижасида Қадимги Бақтрия ҳудудларида ривожланган бронза давридан бошлаб Жарқўтон, Тўғолоқ, Дашли-3 сингари мураккаб муҳофаа деворлари билан ўраб олинган арк ва шаҳристон, илк давлатларнинг мафкуравий маркази даражасига кўтарилган ибодатхоналарнинг вужудга келиши давлатчилик муносабатларини янги босқичга кўтарди. Аҳоли истиқомат қилувчи ҳудудларнинг ҳарбий-диний-дунёвий марказлари — қалъа-қўрғонлар вужудга келади. Бу қалъа-қўрғонларнинг ҳар бири микро-оазисларда ташкил топган қадимги илк шаҳар-давлатларни бўлиб, улар тепасида Авестода эслатилган дахьюпатилар - вилоят ҳукмдорлари ва бир вақтнинг ўзида ҳарбий бошлиқ — “Састар”лар туришган. [Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. ... — С. 72. ] “Дахью” тушунчаси бронза даврида воҳа “давлати” тушунчасини ўзида мужассамлаштириб, маълум бир ҳуқуқий кучга, яъни қонун-қоидаларига эга бўлган. Дарҳақиқат, бронза даври жамиятида оқсоқоллар ва маълум оилалардан чиққан юқори табақали сардорлар томонидан тузилган ёки келишиб олинган “ҳуқуқий”, яъни ўша давр учун хос бўлган диний тартиб-қоидалар ўрнатилган бўлиб, унга жамият аъзоларининг барчаси риоя қилиши шарт бўлган. Бронза даври ёдгорлиги Жарқўтон Қадимги Бақтриянинг илк пойтахти бўлиб алоҳида вилоят бошқаруви маркази ҳисобланган ва бутун Бақтрия ҳудудлари ва атроф ҳудудларда жойлашган аҳоли учун диний-дунёвий марказ сифатида хизмат кўрсатган. Бу ердан топилган ҳукмдор саройи, ибодатхона нафақат Жарқўтон илк шаҳар-давлатини, балки бутун шимолий Бақтрия воҳаси учун ҳам марказ сифатида хизмат қилган бўлиши мумкин. Бронза даври Шимолий Бақтрия ёдгорликлари ичида Жарқўтоннинг йирик мафкуравий марказ эканлиги ҳақида фикр-мулоҳазаларимизни шу бугунги куннинг археологик материаллари тасдиқлаб турибди. Бу ёдгорликлар Аҳмонийларга қадар Авестода эслатилган давлатчилик атамаларининг туман даражасидаги тушунчасига тўғри келади. Аммо Шимолий Бақтрия ҳудудларида Жарқўтондан йирикроқ ва ижтимоий таркиби бўйича мукамалроқ ёдгорликнинг йўқлиги ҳисобга олинса Жарқўтон Шимолий Бақтриянинг вилояти даражасидаги дахью бошқарув шаклига тўғри келади.

Илк темир даври ёдгорликлари мисолида, А.С.Сагдуллаевнинг фикрича, аҳмонийларгача бўлган даврда Авестодаги давлатчилик фояларининг куйидаги шакллари амал қилган:Жадвал

<b>Мумкин бўлган бошқарув системаси</b>		<b>Авестодаги кўриниши</b>
Кичик оила	кичик оила бошлиғи	?
Катта оила	патриархал оила бошлиғи	Нманапати
Жамоа иттифоқи	қишлоқ оқсоқоли	виспати
Қўшни жамоа	оқсоқоллар йиғини	ханжамана
Қишлоқ ва шаҳар жамоаси	халқ йиғини оқсоқоллар кенгаши туман ҳокими вилоят ҳокими	вьяха ханжамана дахьюпати састар

Ушбу схемада келтирилган бошқарув органлари фанда Аҳмонийларгача бўлган давр, яъни милоддан аввалги 1 минг йилликнинг биринчи ярмига хос бўлган маъмурий бўлиниш бўлиб, худди шундай жамият бошқарув шакли бронза даврида Тўғолоқ, Гонур, Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликлари мисолида ўз аксини топган. Бу ёдгорликларда уларнинг асосий бўғинлари мавжуд бўлиб, бошқарув шакли дастлабки патриархал оилавий муносабатлардан, давлатчилик даражасигача кўтарилган жараёни кузатилади.

“Авесто”да келтирилган жамият таркиби, бронза даври Қадимги Бақтрия ва Марғиёна ёдгорликларида ўз ифодасини топиб, патриархал оилавий бошқарув муносабатларининг дахью даражасидаги давлат бошқарувининг археологик материалларда кузатилиши ўзбек давлатчилигини дастлаб бронза давридан бошланганлигини кўрсатади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Асқаров А. Ўрта Осиё қадимги дунёсининг асосий хусусиятлари / / Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1994. № 6. – Б.31-35 (Askarov A. The main features of the ancient world of Central Asia // Social Sciences in Uzbekistan. - 1994. - No. 6. – P. 31-35.).

2. Гафуров Б.Г. Таджики: древнейшая, древняя и средневековая история. – Душанбе: Ирфон, 1989. – С. 66, 75 (Gafurov B.G. Tajiks: ancient, ancient and medieval history. - Dushanbe: Irfon, 1989. – P. 66, 75.).

3. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Т., 2002. – Б. 22-25 (Sagdullaev A.S. Ancient Uzbekistan in the earliest written sources. - T., 2002. – P. 22-25.).

4. Пьянков И.Н. Социальный строй древне земледельческих наро-

дов Средней Азии // Центральная Азия (Pyankov I.N. The social structure of the ancient agricultural peoples of Central Asia // Central Asia.).

5. Источники, история, культура. Тезисы докладов конференции, посвященной 80-летию Е.А. Давидовичи Е.А. Литвинского. — М., 2003. — С. 130-135 (Sources, history, culture. Abstracts of the reports of the conference dedicated to the 80th anniversary of E. A. Davidovich and E. A. Litvinsky. - M., 2003. - P. 130-135).

6. Шайдуллаев Ш. “Авесто” ва моддий маданият // Ўзбекистон тарихи. — 2004. № 3. — Б. 3-12 (Shaydullaev Sh. “Avesto” wa moddiy madaniyat // Uzbekistan railways. - 2004. No. 3. — P. 3-12).

7. “Авесто” ва унинг инсоният тараққиётидаги тутган ўрни. — Тошкент-Урганч: Фан, 2001. — Б. 9-10.; Массон В.М. История и археология Средней Азии. — М.: Наука, 1968. — С. 94-95 (“Авесто” ва унинг инсоният тараққиётидаги тутган ўрни. - Toshkent-Urganch: Fan, 2001. - P. 9-10; Masson V.M. History and archeology of Central Asia. — M.: Nauka, 1968. — P. 94-95).

8. Лившиц В.А. Общественно-политический строй Средней Азии / История таджикского народа. — М., 1963. Т. 1. — С. 143-146 (Livshits V.A. Social and political system of Central Asia / History of the Tajik people. - M., 1963. V. 1. — P. 143-146).

9. Периханян А.Г. Агнатические группы в древнем Иране // ВДИ. 1968. № 3. — С. 34-38 (Perikhanyan A.G. Agnatic groups in ancient Iran // VDI. - 1968. - No. 3. - S. 34-38).

10. Периханян А.Г. Агнатические группы в древнем Иране ... — С. 34-38 (Perikhanyan A.G. Agnatic groups in ancient Iran // VDI. - 1968. - No. 3. - S. 34-38); История таджикского народа. С древнейших времен до V века н.э. / Под ред. Б.Г. Гафурова и Б.А. Литвинского. — М., 1963. Т. 1. — С. 143-11 (The history of the Tajik people. From ancient times to the 5th century A.D. / Ed. B.G. Gafurova and B.A. Litvinsky. — M., 1963. V. 1. — P. 143-11).

11. Аскарлов А. Бронзовый век Южного Узбекистана. (к проблеме развития локальных очагов древневосточных цивилизаций): Автореф. дис. ... докт. истор. наук. — М., 1976. — С. 8 (Askarov A. Bronze Age of Southern Uzbekistan. (to the problem of the development of local foci of ancient Eastern civilization) .: Avtoref. ... doctorate in history. — M., 1976. — P. 8).

12. Стеблин-Каменский И. Авеста: Избранные гимны: Из Видевдата. — М., 1993. — С. 180 (Steblyn-Kamensky I. Avesta: Selected hymns: From Videvdat. - M., 1993. — P. 180).

13. Аскарлова А., Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи брон-

зы юга Средней Азии. – Самарканд, 1993. – С. 119 (Askarov A., Shirinov T. Early urban culture of the Bronze Age of the south of Central Asia. – Samarkand, 1993. – P. 119).

14. История таджикского народа. – Душанбе, 1963; Дьяконов И.М. История Мидии от древнейших времен ... (The history of the Tajik people. – Dushanbe, 1963; Dyakonov I.M. The history of mussels from ancient times ...)

15. Лившиц В.А. Общественно-политический строй Средней Азии ... – С.143-146 (Livshits V.A. The social and political system of Central Asia ... – P. 143-146).

16. Macdonell A.A. History of Sanskrit Literature. – London., 1907. – P.8.

17. Содик аёл маъносини англатган, оловда куйдириш одати. Қаранг: Снесарев А.Е. Этнографическая Индия. – М.: Наука, 1981. – С.23-24 (The habit of burning in fire, which means a devoted woman. See Snesev A.E. Ethnographic India. – M.: Science, 1981. – P. 23-24).

18. Снесарев А.Е. Этнографическая Индия... – С.10 (Snesev A.E. Ethnographic India ... – P. 10).

19. Гамкрелидзе Т.В., Иванов В.В. Индоевропейский язык и индоевропейцы. – Тбилиси, 1984. Т. II. – С. 780 (Indo-European language and Indo-Europeans. – Tbilisi, 1984. T. II. – P.780.).

20. АскарOVA.A., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии ... – С. 119 (Askarov A.A., Shirinov T.Sh. Early urban culture of the Bronze Age of the south of Central Asia ... – P. 119).

21. АскарOVA. Сапаллитепа. ... – С. 140 (Askarov A. Sapallitepa. ... – P. 140).

22. Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. – Т.: Фан, 1987. – С.70 (Sagdullaev A.S. Manors of ancient Bactria. – T.: Fan, 1987. – P.70).

23. АскарOVA.A., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. ... – С. 119 (Askarov A.A., Shirinov T.Sh. Early urban culture of the Bronze Age south of Central Asia. ... – P. 119).

24. Шайдуллаев Ш. “Авесто” ва моддий маданият ... – Б.4 (Shaidullaev S. Avesto and material culture ... – P.4).

25. Шайдуллаев Ш. “Авесто” ва моддий маданият ... – Б. 5 (Shaydullaev S. Avesto and material culture ... – P.5).

26. Исҳоқов М. Авесто. Яшт китоби. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 20 (Isaakov M. Avesta. Yasht. – T.: Sharq, 2001. – P.20).

27. Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. ... – С. 72 (Sagdullaev A.S. Bactria Manor Ancient. ... – P.72).

28. Анорбоев А. Ўзбекистонда илк давлатчилик ва унинг ўрганилиш тарихидаги баъзи бир муаммолар // Ўзбекистон тарихи. – 2004. – № 4. – Б.7 (Anorbobev A. Some problems in the history of the first statehood in Uzbekistan and its history // History of Uzbekistan. - 2004. - No. 4. – P.7).

29. Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии... – С. 76 (Sagdullaev A.S. Manors of ancient Bactria ... – P.76).